



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 17 декабрь, № 246 (5920)

Сешанба

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ Жарқўрғон туманидаги Марказий Сурхон маҳалласида "Charog'on tekstil" трикотаж фабрикаси иш бошлади.

Қуёшдан қувват олади

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясига қарашли "Савдоэнерго" акциядорлик жамиятининг 5,2 миллиард сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 1,3 миллиард сўмлик кредити эвазига ташкил этилган мазкур корхона хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланди. — Корхонамиз йилга 2 миллион дондан зиёд болалар ва катталар учун трикотаж буюмлари, коржомалар, чойшаблар ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди фабрика раҳбари Муҳаббат Қаюмова. — Айни пайтда 270 нафар кишини ишга қабул қилдик. Эътиборлиси, уларнинг 120 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир. Бизда электр энергияси ва иссиқлик таъминотида сира узлишлар бўлмади. Бойси, корхонадаги технология ва ускуналар бу ерда ўрнатилган энг замонавий қуёш батареялари ёрдамида ишлатилмоқда. Қолаверса, бундай имконият "Charog'on tekstil" иқтисодий ривожидан ҳам муҳим ўрин тутди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Эллиққалъа туманидаги "Сухроб-Зоҳид" кўп тармоқли хусусий корхонасида янги лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Буюртмачиларга етказиб берилди

— Банкинг 150 миллион сўмлик молиявий қўмағи асосида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди тадбиркор Музаффар Эгамбердиев. — Шунингдек, бу орқали қишлоқ ёшларидан 25 нафарини доимий иш билан таъминладик. Улар томонидан қисқа фурсатда 160 милли-

он сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берилди. Умуман, Оролбўйида шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 1056 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 38,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Наманган вилояти ташқи иқтисодий фаолиятида энгил саноат корхоналари улushi катта. Улардан бири — масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ПапФЕН" хорижий корхонаси ўзи ишлаб чиқарётган калава ипни хорижда тўлиқ сотмоқда.

Талабга мос таклиф

Талабга яраша таклиф билан чиқаётган Поп туманилик саноатчилар бунга жавобан ишни уч босқичда ташкил этиб, қувватлардан тўла фойдаланишга муваффақ бўлишарди. Жумладан, 430 кишилик меҳнат жамоаси жорий йилнинг ўн бир ойида 15 миллиард сўмликдан зиёд калава ип тайёрлаб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,5 фоиз ўсишга эришди. Ушбу муддат ичида бажарилган экспорт амалиётлари ҳажми эса 5 миллион 744 минг АҚШ долларига етди. Бу кўзда тутилган режага нисбатан 101,5 фоизни ташкил қилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ "Урганчтрансгаз" шўъба корхонасига қарашли "Газэнерготехник" ишлаб чиқариш субъектида алюминий ва пластик профилдан ойна ҳамда дераза ромлари тайёрлашга мўлжалланган яна бир қўшимча лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Бунёдкорлик қўлами кенгайди

Натижада 12 нафар малякани мутахассис иш билан таъминланди. Мазкур жамоа қисқа муддатда 162 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди. Эътиборли жиҳати,

Хоразм вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган корхоналар сони ортигани боис жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бунёдкорлик ишлари ҳажми 20,8 фоиз кўпайди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Олот туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган "Ёкутой Норбоева" хусусий корхонаси янги лойиҳа амалга оширилиши натижасида фаолиятини янада кенгайтирди.

Кичик бизнесга — катта имконият

Пировардида ишчилар сони беш нафар кўпайиб, қурилиш бозорига йилга қўшимча тарзда 10 минг квадрат метр брусчатка етказиб бериш имконияти юзага келди. Умуман, туманда ўтган давр мобайнида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан эллиқка яқин бизнес лойиҳа амалиётга жорий қилиниб, салкам икки юзта иш ўрни яратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

юксалишида замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади



Навоий вилоятида иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилатган ислохотлар туфайли салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Навоийда 110 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 1375 тага етди. Шунга муносиб равишда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари тури ҳам 46 тадан 300 тага кўпайди.

Дарҳақиқат, бугунги глобал-

ИСЛОХОТ

лашув даври ва соғлом рақобат муҳитида изланиш ҳамда ташаббускорлик асосида фаолият юритган ишлаб чиқариш субъектларига муваффақиятга эришишлари мумкин. Хусусан, "Navoiyazot" очиқ акциядорлик жамиятига режадагидан

2 баробар кўп капитал қўйилмалар жалб этилиб, уларнинг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқаришни ҳамда транспорт инфраструктурасини янгилаш ва модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган дастурлар ижросига йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).



Навоий вилояти мамлакатимизнинг йирик индустриал салоҳиятга эга худудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда мавжуд корхоналар томонидан цемент, вольфрам, фосфорит, кимёвий ўғитлар, сунъий тола, қоракўл тери каби кўплаб маҳсулотлар тайёрланаётгани, республикамизда ишлаб чиқарилаётган рангли ва қimmatбахо металлнинг

73

фоизи

ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келаятгани бунинг яққол тасдиғидир.

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчионаси ташаббуси билан Ҳиндистон Матбуотчилар клубида маҳаллий журналистлар учун "2014 йил — Ўзбекистонда Соғлом бола йили" мавзуга бағишланган ахборот кечаси уюштирилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда "The Hindu", "The Sunday Indian", "Diplomatist", "Political Events", "The Blue Moon", "Afro Asian Business Chronicle", "Business Central Asia", "Sociallook International", "World Mass Communication", "Pledge", "Chauthi Duniya", www.sarkaritel.com сингари матбаа нашрлари ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, "ZEENews", "NDTV 24x7" телеканалларининг мухбирлари ҳозир бўлди. Тадбир иштирокчилари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маро-

симдаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва унда ўз ифодасини топган асосий йўналишлар билан атофлича таъкидланди. Асосий Қонун негизига қўйилган талаб ҳамда қондаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни омавий ахборот воситалари ислохот қилиш ва модернизациялаш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бераётгани қайд этилди. Ахборот кечаси чоғида алоҳида таъкидланганидек, фақат шу йўлгина мамлакат халқи кўзлаган эзгу ниятларга эришиш сари, замонавий демократик талабларга жавоб

берадиган давлат, инсон манжаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб бориши муқаррар экани ўз исботини топаётди.

Тадбирда яқунланаётган Обод турмуш йилида қабул қилинган Давлат дастури доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганига ҳам эътибор қаратилди.

Яқинлашиб келаятган 2014 йилнинг Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган ҳинд журналистларига билдирилган экан, бу йўналишдаги Давлат дастурининг ишлаб чиқилишида, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоялаш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътибор марказига қўйилиши қайд этилди.

Ахборот кечаси савол-жавобларга бой бўлди.

— Мен Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодий бир ёқлама ривожланган, асосан, аграр соҳага ихтисослашган давлатдан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айлангани ҳақидаги фикрини тўла қўллаб-қувватлайман, — деди "The Hindu" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Сандип Дикшит. — Буни тасдиқлайдиган мисоллар жуда кўп. Ўтган йиллар давомида халқнинг дунёқараши ва қайлиғи, фикру орзулари, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳам ҳақиқат.

(Давоми 2-бетда).

Эзгу мақсадлар рўёби

Гоҳо кечаги кунлар ёдга тушади. Оддийгина, қўлингдан келадиган шунчаки бир юмушни амалга ошириш учун ҳам кимларнингдир ҳузурда қўл қовуштириб туришга, кунлаб, ойлаб навбат қутишга тўғри келарди.

СУРУП

Бугун эса эл-юртга хизмат қилаётган одам борки, рағбатлантириш, лоялти, уларга давлат томонидан турли имтиёз ва имкониятлар берилмоқда.

Кўриб турибмиз: юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлиги кенг қўламли ислохотларда бот-бот ўз исботини топмоқда. Бир-

гина Обод турмуш йилида амалга оширилган бунёдкорликларни кўриб, "Ўзбекистон — мўъжизалар юрти" дегинг келади. Негаки, қаерга қараманг,

янгидан-янги шифоналар, корхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари, мактаблар қад ростлаяпти, фойдаланишга топшириляпти. Буларнинг бари эртанги кун учун, фарзандларимизнинг иқболу саодати учун.

Очиги, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахас-

сис сифатида яхши биламанки, бу тизимни ривожлантиришга, фарзандларни баркамол этиб тарбиялашга ҳеч қачон бугунгидек эътибор қаратилмаган. Бу борда шундай изчил ислохотлар амалга оширилмоқдаки, уларнинг қўлами, мазмун-моҳияти замирида улугвор мақсад-муддаолар мужассам.

(Давоми 2-бетда).

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" V республика дўстлик ва маданият фестивали гойибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Аҳиллик, тотувлик ва дўстлик ифодаси

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, миллатлараро тотувлик, бирдамлик ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларини амалга оширишга қаратилган эзгу сазъ-харақатлар олиб борилаётгани тасдиқланди. Турли миллат вакилларининг юртимиз ижтимоий ҳаётининг фаол аъзосига айланиши, муносиб ҳаёт кечирishi учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани эътироф этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда қатор вазирилик, жамоат ва ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу фестивал ҳам бу йилнинг кунда бир юз ўлтздан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Навоий вилоятида бошланган мазкур фестивал доирасида жойлардаги миллий маданият марказлари томонидан 160 дан ортиқ турли тадбир, учрашув ва кўргазмалар ўтказилгани фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).



Аҳиллик, тотувлик ва дўстлик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Қирқдан зиёд миллий маданият марказларининг самарали фаолияти, юртимизда ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик, бағрикенглик таъминлашга оид ташаббуслар кўллаб-қувватланмоқда. Ёшлар оғидида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи, меҳр-оқибат, бағрикенглик таъминлашнинг шакллантириш ва юксалтиришда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борадаги ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида Республика Байналмилал маданият маркази асосий кўмакчи бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин иш-

ри бўйича кўмита, "Тасвирий ойна" ижодий уюмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ЕИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигидаги "Фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик — мамлакат ободлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзудаги илмий-амалий конференцияда ҳам ушбу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Фестиваль доирасида Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий, "Унарманд" уюмалари ҳамда миллий маданият марказлари ҳамкорлигида "Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон" мавзудаги тасвирий ҳамда амалий санъат намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Миллий маданият марказлари бадий жамоаларининг чиқишлари, юрти-



Отбек МИРСОАТОВ (ўз.) олган суратлар.

миз санъат усталарининг она-Ватан, тинчлик, дўстликни тараннум этувчи кўшиқлари иштирокчиларга хушнудлик бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхона, А. Икромов иштирок этди.

Илҳом Жўраев.

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатингизда ҳар бир йилнинг мўайян бир ижтимоий соҳага йўналтирилиши диққатга сазовордир. Ана шу йўналишда қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, мазкур тажриба дунёнинг кўпгина ривожланаётган давлатлари учун ўрнак бўлишга арзийди. Республика раҳбариятининг соғлом авлод тарбияси борасидаги сиёсати таҳсинга лойик, деб ўйлайман.

— Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз суверен тараққиёт йўлини белгилаб олган ва буни Конституцияси билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган давлат ҳисобланади, — деди "Afro Asian Business Chronicle" нашри бош муҳаррири Рену Малхотра "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Президент Ислам

Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодийнинг мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан оlishи, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳамда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлган беш тамойилнинг нақадар оқилона, шунингдек, пухта ўйланганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

2014 йилнинг мамлакатингизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши бугунги тезкор замонда ҳаётнинг ўзи инсоният олдидаги ёш авлоднинг воғга етказиш ва тарбиялаш борасида янги, ўта муҳим ҳамда долзарб вазифаларни қўйётгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан теран аниқлишни билдиради. Ишончим комилки, келажакка нисбатан бундай ғамхўрлик юртингизда ўз мевасини беради.

«Жаҳон» АА. Дехли

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бугунги глобаллашув даврида ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин олиб бормоқда. Бу эса мазкур тармоқда хизмат кўрсатувчи корхоналарни босқичма-босқич модернизация қилиш, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилаётир. Зеро, тезкорлик, қулайлик ва юқори сифат аҳолига алоқа хизмати кўрсатишда энг муҳим мезондир.

Тезкор ва қулай хизмат

Хусусан, Наманган вилоятида замонавий рақамли телефон станциялари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган технологик янгиланишлар натижасида алоқа сифати ва тезкорлиги ошиб, қўшимча хизмат турлари жорий этилаётгани мижозларга манзур бўлаётир. Масалан, кейинги икки йил давомида "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларини NGN технологияси асосида модернизациялаш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида Наманган шаҳридаги битта ҳамда қишлоқ жойлардаги 15 та АТС янгиланиб, уларга умумий сифими 20 минг рақам бўлган MSAN жиҳозлари ўрнатилди. Пировадиди маҳаллий тармоқларда алоқа сифати тубдан яхшиланди. Қолаверса, эндиликда мижозлар ўз хонадонидидаги симли телефон тармоғи орқали, айтилик, эртақлар тинглаши, кунда-

лик об-ҳаво маълумоти, валюта курслари ва бошқа кўплаб ахборотларни олишлари мумкин. Бинобарин, тармоқда кенг поласали интернет хизмати кўрсатиш миқдоси жадал ўсиб бормоқда. Жумладан, айни кунда Косонсой тумани аҳолиси юз фоиз рақамлаштирилган симли телефон хизматидан фойдаланмоқда. Уларнинг қарийб ярми қишлоқ ҳудудларига тўғри келади.

— Ўтган йили "Ширин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Намуна" АТСи NSAN технологияси асосида қайта жиҳозланди, — дейди туман телекоммуникация тармоғи бошлиғи Зокиржон Қаландаров. — Натижада аҳоли хонадонларига кенг поласали интернет хизмати кириб борди. Айни пайтда 60 дан зиёд киши ушбу қулайликдан фойдаланаяпти. Худуддаги мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар ҳам тезкор тармоқ имкони-

ятларидан бирдек баҳраманд. Бундан ташқари, янгиликнинг жорий этилиши туфайли, боғламанмиз биргина интернет хизмати кўрсатишнинг ўзидан 103 миллион сўм даромад олди, бошқа хизмат турлари ҳам катта фойда келтираяпти. Шунинг ҳисобидан моддий имкониятларимиз кенгайиб бормоқда.

Бугун шаҳар ва қишлоқ ўрта-сидаги тафовутни камайтириш борасидаги интилишлар самараси алоқа ва ахборотлаштириш

соҳасида ҳам кўзга яққол ташланади. Мисол учун, биз юқоридида тилга олган Ширин қишлоғида яшовчи Абдужалил Париев кунда-кунора хорижда таҳсил олаётган қизи билан хонадонидидаги телефон орқали бемалол суҳбатлашаётганидан мамнун. Унинг кўни-кўшилари, шунингдек, тумандаги бошқа қишлоқлар аҳолиси маҳаллий телефон тармоғи воситасида IPTV хизматига улашиб, рақамли телевидение кўрсатувларини қўшимча жиҳозлар ёрдамисиз томоша қилишаётир.

— Қишлоқ телефон станцияларини рақамли жиҳозлар билан таъминлаш жадал давом эттириляпти, — дейди "Ўзбектелеком" АКнинг Наманган филиали директори Жамолхон Ёқуббоев. — Ҳозир бу сингари илғор технологияни, масалан, вилоят марказидан 80 қақирим олисдаги тоғли Нанай қишлоғида ҳам учуратасиз. Жорий йилнинг ўзида Поп туманининг Чодак ва Олтинкон қишлоқларига ҳам 384 сифимга эга бўлган мини-MSANлар ўрнатилди.

Дарҳақиқат, соҳадаги ўзгаришлар турмуши тобора фаровонлашиб бораётган халқимиз ҳаётига ўзига хос мазмун бағишляпти. Бу, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида меҳнат қилаётган ишчи ҳамда мутахассисларнинг изланишу интилишлари, ғайратли меҳнатига ҳам чамбарчас боғлиқ. Яқинда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси томонидан вилоятда ташкил қилинган республика семинарида наманганликлар эришаётган ютуқларнинг алоҳида эътироф этилгани ана шундан далолат беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

юксалишида замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхонанинг аммиакли селитра, нитрон толаси, сирка кислотаси, метанол, хлор, унифлор, полиакриламид каби қимматли маҳсулотлари дунёнинг саккиз давлатига экспорт қилинмоқда.

Мазкур жамиятда улкан бунёдкорлик, техник ва технология қайта жиҳозлаш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти. Қиймати салкам бир миллиард АҚШ дол-

ларлик аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуаси бунёд этиш лойиҳаси ишлаб чиқилгани ана шундай сазй-ҳаракатлар самарасидир. Ҳозирги кунда "Ўқимёсанот" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўқимёсанотлоийҳа" очик акциядорлик жамияти ҳамда корхона мутахассислари уни рўёбга чиқариш бўйича тендер савдолари ўтказиш устида иш олиб боришмоқда. Мазкур

лойиҳа тўлиқ амалга оширилган эса, йилига 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид тайёрлаш имконияти пайдо бўлади.

Поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши ҳам истиқболли бўлиб, унинг қиймати қарийб 501 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу — келажакда "Navoiyazot"да 220 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот

ишлаб чиқарилади, дегани. Ушбу маҳсулотга дунё бозоридида талаб тобора ортиб бораётганини ҳисобга олсак, корхонанинг экспорт салоҳияти янада юксалиши аён бўлади.

Бундан ташқари, жорий йилда корхона мутахассисларнинг ўз жамоасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Нурота тумани ҳудудидаги 100 гектар майдонда интенсив боғ яратиб, 40 минг дон товуқ парвариллашга мўлжалланган паррандачилик хўжалиги фаолиятини йўлга қўйгани эътиборга лойикдир.

Корхонада ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар, мутахассисларнинг айтишича, 2017 йилга бориб, унинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини 2,7 баробар ошириш имконини беради.

Мухтасар айтганда, ўн икки мингга яқин киши меҳнат қилаётган "Navoiyazot"да бугун иш қизгин. Мутахассислар янгидан-янги инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб боришляпти. Бу эса келгусида корхона салоҳияти бундан юксалишидан далолатдир.

Замат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ЖАРАЁН

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактика тадбирларини ўтказиш, транспорт воситалари техник ҳолатини ҳамда йўлларнинг аҳолини яхшилаш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан мунтазам ўтказилаётган "Диққат, болалар", "Таътил", "Диққат, пиёда", "Яшил чирок", "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" тадбирлари муҳим омил бўлаётир. Зеро, ушбу сазй-ҳаракатлар туфайли содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сони йилдан-йилга сезиларли даражада камайишига эришиляпти.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари томонидан жами 3 миллион 104 мингдан зиёд турли даражадаги қондабўзарликлар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўлланилди. Айни чоғда транспорт воситалари ҳамда пиёдалар, шу жумладан, болалар иштирокидаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда аниқланган камчиликларни

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги бошланди

бартафар этиш чоралари кўрилинмоқда. Шу билан бирга, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчилик, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги ишларимиз келгуси — Соғлом бола йилда янада кенгайди. Зеро, соғлом авлод камолотига барчамиз бирдек масъулмиз.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан, шу йилнинг 15 декабридан 2014 йил 15 январигача ўтказилаётган

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ҳам ана шу мақсадларга қаратилган бўлиши самарали бўлишига шубҳасиз. Ушбу ойлик доирасида йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, транспорт ҳамда пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўридан ўтказиш, транспорт воситалари техник ҳолатини мувофиқлаштириш, ўқув юртимизда, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни яхшилаш ҳамда ойликни ўтказиш-

да кенг жамоатчиликни жалб қилиш ишлари амалга оширилади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни ташкил этиш

тасадди раҳбар ходимлар мусоботини эштишни йўлга қўйиш ва жамоатчиликнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига баҳо бериш ҳам назарда тутилган.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамаси фармойишига кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари,

таблар ва мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари ўргатилишини текшириш, уларни такомиллаштириш, маҳаллаларда йўл ҳаракати хавфсизлигига оид аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этилишини таъминлаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилади.

Умуман, йўл ҳаракати хавфсизлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Аввало, ҳар бир транспорт воситаси техник жиҳатдан яроқли бўлиши зарур. Бу ҳаракат хавфсизлигининг муҳим омилдир. Замонавий, динамик ва тезлик хусусияти юқори транспорт воситалари сони ҳамда йўлларда ҳаракат жамдаллиги йил сайин ўсиб бораётган ҳозирги кунда бу масала янада долзарб бўлиб бормоқда.

Шундай экан, йўлларимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нафақат ЙҲХ ходимларининг, балки ҳар биримизнинг ҳаётий бурчимиз ва вазифамиздир. Зеро, "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад-муддао ҳам ана шундан иборатдир.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бошлиғи, полковник.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийлар кадрларини, уларнинг меҳнати алоҳида рағбатлантириляпти. Нокамтарлик бўлмасин-у, ўзим ҳам Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида муҳтарам Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураб-

Эзгу мақсадлар рўёби

бийси" унвони билан тақдирландим. Бундай юксак мукофот келажакимиз эгаларига таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишда янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Мамлакатимизда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Демак, маънавий етуқ, жисмонан кучли ва соғлом болани тарбиялашга қаратилган ислохотлар, бу йўналишдаги эзгу сазй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, келгусида янада юксак мақом касб этиб бораверади.

Абдулла НАСИМОВ, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 17 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий туловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қушидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	1969,38
1 Англия фунт стерлинги	3586,77
1 Дания кронаси	405,70
1 БАА дирхами	599,11
1 АҚШ доллари	2199,93
1 Миср фунти	319,45
1 Исландия кронаси	18,84
1 Канада доллари	2079,13
1 Ҳиндй рупий	362,32
1 Россия рубли	66,94
1 Украина гривнаси	275,23
1 Поляндия злотийи	680,46
1 Мальдив злотийи	724,50
1 СДР	3383,21
1 Туркия лираси	1079,35
1 Швейцария франки	2477,12
1 Евро	3027,41
10 Жаңуей Корей вони	20,91
10 Япония йенаси	214,02

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёқи сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Юрт келажаги»:

Истеъдод эгалари Бухорода беллашдилар

Бухоро шаҳрида республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларидан жами 177 нафар истеъдод эгаси иштирок этди.

Билимни, изланувчан ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, ёшларнинг келажақда у ёки бу соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб етишишлариغا қўмаклашиш каби мақсадларда ўтказилган танловда қатнашчилар раціонализиаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, шаҳар-созлиқ ва ландшафт дизайни, бадиий ижод, либослар дизайни каби жами 15 йўналишда беллашдилар.

Шундай нуфузли танловда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман, — дейди қорақалпоғистонлик ёш ижодкор Латофат Тожибоева. — Тадбир чинакам ёшлар байрамига айланди. Негаки, биз иходий бахслашибгина қолмай, қўллаб-дўстлар ортирдик. Бухоро-

нинг қадимий обидаларини томоша қилдик, мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий коллеж, музика ва санъат мактаблари фаолияти билан танишдик. Менда, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган "Қўҳна ва боқий Бухоро" монументи катта таассурот қолдирди.

— Танлов менга ўз билимларимни синовдан ўтказиш имконини берди, — дейди яна бир сўхбатдошимиз, мезбонлар вакили Мехринисо Сатторова. — "Юрт келажаги"га либослар дизайни борасидаги изланишларим махсули бўлган коллекциям билан қатнашдим. Улар, асосан, атлас, адрас каби миллий матола-римиздан тайёрланган.

Икки кун давом этган тадбир якунида ҳар бир йўналиш бўйича голиблар номи аниқланди.

Искам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Тошкент шаҳрида "Ўзагросуғурта" давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжумани тизимда суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва уни янада такомиллаштириш масаласига бағишланди.

Суғурта бозорини такомиллаштириш йўлида

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суғурта хизматлари кўрсатиш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу соҳага ихтисослаштирилган компаниялар фаолиятини ривожлантириш, янги турдаги суғурта махсулотларини тақлиф қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Натижада жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта компанияларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Маълумки хизматлар бозорини ўзaro ишонч муваффақиятларнинг бош омилли ҳисобланади. Аммо бунга ўз-ўзидан эришиб бўлма-лиги турган гап. Айниқса, суғурта бозорини кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, фуқароларга кўрилан зарарини шартнома асосида ўз вақтида тўлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, "Ўзагросуғурта" ДАСК томонидан турли ҳодисалар оқибатида мижозларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарлар мuddатида қопланиб, келиб тушган даъво аризаларининг ҳеч қайсиси беэътибор қолдирилмаётгани туфайли муайян натижаларга эришилмоқда.

Мисол учун, компания томонидан 2013 йилнинг 11 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслар билан 3,66

миллионга шартнома тузилган эди. Пировардида суғурта муқофотлари тушуми 53,3 миллиард сўмни ташкил этди. Бунинг натижасида 7562 нафар шахсга бахтсиз ҳодисалар ва табиий офатлардан кўрган зарари учун 6 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқ суғурта қопламалари тўланди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 3,6 фоиз кўндр.

Компания мутахассисларининг айтишича, келиб тушаётган даъво аризалари ва мурожаатларнинг ҳар бири диққат-эътиборда турибди. Бу жараёнда 2010 йилда даъволарни кўриб чиқиш тартиби ишлаб чиқилгани айни мuddао бўла-япти. Унга кўра, мурожаат-лар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри дирекцияларида белгиланган лимит доирасида қурилиб, ҳал этилмоқда.

Анжуманда жорий йилнинг ўтган даврида компанияга келиб тушган даъво аризалари, улар юзасидан бажарилган ишлар, шунингдек, кўрсатилаётган суғурта хизматлари турлари ва уларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 7 ДЕКАБРДАН 13 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатдан ўтказилди:

1. «Алкоголли махсулотлар учун энг кам улгуржи-сотилиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 6 декабрдаги 112, 2013-46-сонли қарори.

2013 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2535 (2014 йил 1 январдан кучга кирди).

2. «Қўмақчи қозғалар бозорини инвестиция воситасининг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгариштириш ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қўмақчи қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директори-нинг 2013 йил 3 декабрдаги 2013-09-сонли буйруғи.

2013 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-3 (2013 йил 16 декабрдан кучга кирди).

3. «Назорат қилувчи органлар томонидан аёка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишлари ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариштириш киритиш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи Республика кенгашининг 2013 йил 4 декабрдаги 04-сонли қарори.

2013 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1712-5 (2013 йил 16 декабрдан кучга кирди).

4. «Олий таълим тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 469-сонли буйруғи.

2013 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1222-2 (2013 йил 16 декабрдан кучга кирди).

5. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруғи.

2013 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-2 (2013 йил 16 декабрдан кучга кирди).

ТАҚДИМОТ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз иқтисодиётида улкан ютуқларга эришилмоқда. Жаҳон молиявий инқирози-га қарамай, бу каби муваффақиятлар қўлга киритилаётгани юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада юксалтирмоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли йилдан-йилга турли ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектлари сони ортиб бормоқдаки, бу, ўз навбатида, юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашда

муҳим аҳамият касб этаяпти. "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқараётган махсулотлар ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифати, малакали мутахассисларнинг ғайрат ва шижоати хорижлик мутахассислар эътиборини тортаётгани фикримиз исботидир. Гап шундаки, яқинда мазкур компания тасарруфидоги "Sho'rtan gaz mahsulot" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона халқаро "World Quality Commitment"нинг махсус соврини билан тақдирланди.

Юқори сифат — муваффақият гарови

Шу муносабат билан Лондон шаҳри коммуникация ва корхоналарнинг сифат модели соҳасида етакчи ҳисобланган "Business Initiative Direction" (B.I.D.) компанияси томонидан ташкил этилган XXV Халқаро сифат бўйича конвенциянинг марказига айланди. Ушбу тадбирда дунёга машҳур компаниялар,

конвенциясининг совринини B.I.D. компанияси президенти Хосе Э.Прието тантанали равишда топширди.

Таъкидлаш жоизки, бу қўшма корхонанинг биринчи ютуғи эмас. 2011 йилнинг ноябрида ушбу корхона Халқаро сифат бўйича конвенциясининг олтин совринини ҳам қўлга киритган эди. Бу

ушбу турдаги махсулотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш ҳуқуқини берувчи мувофиқлик сертификатларига ҳам эга.

чамбарчас боғлиқ. 1975 йилда Европада биринчи Халқаро сифат бўйича конвенция ташкил этилган бўлса, 1986 йилда ушбу

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, корхонада халқаро талабларга жавоб берадиган менежментнинг бирлашган тизими жорий этилиб, такомиллаштирилмоқда. Ушбу тизим махсулот сифатини ошириш ва халқаро андозаларга муносиб келишига эришишга имкон яратмоқда.




дипломатик корпус вакиллари қатнашди. Унда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юри-тувчи корхоналарнинг юқори сифатга интилиши нуфузли ҳайъат томонидан овоз бериш йўли билан аниқланди. Юртимиз вакил-ларига Халқаро сифат бўйича

бежиз эмас. Суюлтирилган углеводород газни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бу борада-ги инвестициявий лойиҳани ҳаёт-га татбиқ этишни мақсад қилган жамоа сифатни яхшилашга ало-ҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айни пайтда мазкур корхона

нуфузли ташкилот асосий эътиборни халқаро экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда дунёнинг барча мамлакатларидаги етакчи компанияларда сифат мадания-тини ошириш ва тарғиб этиш-га қаратди. Тажрибали муҳан-дислар, физиклар, математик-лар, иқтисодчилар, жамиятшу-нослар ва журналистларни қам-раб олган Халқаро экспертлар ташкилоти QC 100 сифат мо-делини янада яхшилаш бўйича янги асосларни илгари суриб келмоқда.

Ушбу Сифат моделининг ра-ми ва технологияси 178 та дав-латда тақдим этилган. Бу эса ушбу мамлакатларда сифатни та-комиллаштиришнинг замонавий тизимларини татбиқ қилишда му-ҳим омил бўлмоқда. 1984 йилда B.I.D. асосчиси Э. Прието рақиб-лар устидан устунликка эришиш



мақсадида менежментда сифат маданиятини ошириш зарурлигини назарда тутувчи "Quality Mix" номли янги тушунчани киритди. Ўтган давр мобайнида инновацион гошлар туфайли "Business Initiative Direction" (B.I.D.) сифат маданиятини миллий, континентал ва халқаро компанияларда татбиқ этувчи дунёдаги туртта нуфузли ташкилотлардан бирига айланди.

Шундай қилиб, бу йилги голиблар олтин, платина, бриллиант сингари муқофотлар билан тақдирландилар. Улар қаторида фуқаролик қурилиши, туризм, юк ташин, металлургия, кўчмас мулк савдоси, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва суғурта тизими, тўқимачилик саноати, энергетика, молия ҳамда аграр сектор вакиллари бор.

Ўзбекистон корхонасига берилган соврин мамлакатимиз нефть ва газ соҳасида эришилган яна бир улкан ютуқ, десак, муболага бўлмайди. "Sho'rtan gaz mahsulot" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг ушбу муваффақия-ти аҳил жамоани мамлакатимиз салоҳиятини янада мустаҳкам-лаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ишларга сафар-бар этиши, шубҳасиз.

Сергей ЛЕВЧЕНКО тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

«Тошкент труба заводи» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни харидорларга тақдим этади. Мисланган пайвандлаш сими СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА! ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ ҳар ҳафтанинг шанба кунлари. +99871 140-02-00 www.uzairways.com

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеа ўтказилдиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади. 1. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 25 сентябрдаги 19-1303/8024-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган, «BOBOJON-BOBOSHOK-BAKAKA» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 785,06 кв.м. бўлган, бир қаватли, 7 хонадан иборат АЁҚШ ва ҳўжалик бинолари (А литерда ертўлали АЁҚШ биноси, Б литерда кўча АЁҚШ омборхонаси, В литерда омборхона ва ҳўжатхона, Г литерда ҳовуз, Д литерда сизим (резервуар), Е литерда сизим (резервуар), Ж литерда девор тўсиқ, К литерда асфальт-бетон йўлак, Л, М литерда темир дарвозалар) тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 88 300 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси мудир Дурбек Раҳимжоновга волида муҳтарамаси ЗАРИФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Қизил Яримойи жамияти Раёсати аъзолари ва ходимлари жамиятнинг Сурхондарё вилояти ташкилоти раиси Раҳимқул Акбаровга волида муҳтарамаси Самаррой ДАВЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат юридик университети раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Наргис Алиматовага падари бузрукворини Абдухалил ҲАЗЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Маънавият» нашриёти жамоаси нашриётнинг собиқ ходими Жалил БАРАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Шижоат ва нафосат байрами



Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида "Гимнастика барча учун" Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

СПОРТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Гимнастика федерацияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анъанавий мусобақада мактаб ва коллеж ўқувчилари, уй бекалари, корхона ва ташкилотлар ходимларидан иборат жами 500 нафарга яқин иштирокчи ўз иқтидорини намойиш қилди.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятга ўз ўрнини топиши, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу "Соғлом она — соғлом бола" тамойилида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга ҳамохандир.

Бугун юртимизда етти миллион нафардан ортқ хотин-қиз спортга жалб этилган. Шундан қариб ярми машғулотларда доимий қатнашадиган она-сингиллари миздир. Улар учун мамлакатимиздаги спорт мажмуаларида 72 та ихтисослаштирилган спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

Бекиёс даражадаги гамхўрлик хотин-қизларини мизни юксак марралар сари руҳлантиришда. Жорий йилнинг ўтган даврида халқаро миқёсдаги мусобақа-

ларда қатнашган спортчи қизларимиз томонидан 240 та олтин, 195 та кумуш ва 280 та бронза — жами 715 та медал қўлга киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Яна бир гап. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган, Ватанимиз шаънини улуглашга ҳисса қўшаётган қизлар давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Фармонига мурофи, ҳозирча 189 минг 941 нафар кизга спорт кийимлари совға сифатида топширилгани, санъат, маданият ва спорт каби қатор соҳаларда муваффақиятга эришадиган она-сингилларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан мукофотланаётгани бунга мисол бўла олади.

Албатта, мақсад фақат чемпионларни тарбиялаш эмас, балки жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдир. Шу маънода айтганда, кейинги йилларда қизлар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

"Гимнастика барча учун" мусобақаси ҳам хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Чунки гимнастрада кўплаб спорт турларининг фойда-

ли жиҳатларини ўзда муҳассам этган. Хусусан, бадий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамплин, замонавий ракс, фитнес каби машғулотларни бирлаштиргани сабабли ҳам унга қизиқиш юқори. Қолаверса, у билан шуғулланиш учун ёшнинг чегараси йўқ. Буни жорий йилги чемпионатда тўрт ёшдан етмиш ёшгача бўлган иштирокчилар маҳоратини намойиш этгани ҳам кўрсатиб турибди.

Икки кун давом этган чемпионатда 14 ёшгача бўлган қизлар, аралаш ва 45 ёшдан юқори бўлган аёллар жамоалари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, ракс ва гимнастика элементларини бажариш қobiliяти буйича баҳоланди. Айниқса, "Фантазия" (Наманган), "Зарафшон" (Навоий), "Марварид" (Фарғона), "Грация" (Самарқанд), "Баҳор" (Қашқадарё), "Бухоро марвариди" (Бухоро), "Стар" (Жиззах), "Эъзозли аёллар" (Тошкент шаҳри) ва Қорақалпоғистон жамоаларининг чиқишлари мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Мусобақа бош соврини — Ўзбекистон гимнастика федерацияси кубогини Тошкент вилоятининг "Шанс" жамоаси қўлга киритди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олинган сурат.

Ёш мутахассислар учун иш ўринлари

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2013/2014 ўқув йили битирувчилари учун ахборот-таништирув тадбири — "Карьера куни" ўтказилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Микрокредитбанк" ОАТБ билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирга иш берувчи корхона ва ташкилотлар мутахассислари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

ТАДБИР

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда малакали мутахассислар тайёрлашни иқтисодий ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига мувофиқ равишда амалга ошириш, ёшларни касбга йўналтириш, таълим жараёнида назарий ва амалий машғулотларни биргаликда олиб бориш, уларни ўз мутахассислиги буйича иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бунда кадрлар тайёрлаш таъминотида битирувчиларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш борасида мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди. Йилга икки марта ташкил этилаётган "Карьера

куни" ҳам айнан ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан янада эътиборлидир.

Тадбир давомида битирувчилар билан таклиф этилган вазириликлар, кўмиталар, компания ва ташкилотлар вакиллари ўртасида ишга жойлаштириш ҳамда касбга йўналтириш буйича мулоқотлар олиб борилди. Бинобарин, ушбу тадбир таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро мутаносиблики янада мустаҳкамлабгина қолмай, корхона, ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, инновацион корпоратив ҳамкорлик алоқаларини яхшилашга ҳам хизмат қилади. Бу эса юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш таъминоти йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўнг асосийси, олий таълим тизими учун ҳам, ишлаб чиқариш учун ҳам ўзаро манфаатли бўлган бундай ҳамкорлик

натижасида ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти тақомиллаштириши, таълим сифати эса янада яхшиланганига эришилди, шубҳасиз. — Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим омилли ҳисобланади, — дейди "Ўзбекенигилсаноат" ДАК бошқаруви раҳбари ўринбосари Аваз Мухиддинов. — Биз бугунги тадбир давомида ўнлаб ёш мутахассислар билан танишиб, суҳбатлашдик. Маълумки, тармоқда ҳар йили кўплаб янги корхоналар ташкил этиляпти. Табиийки, ушбу корхоналарга билимдон, салоҳиятли кадрлар керак. Шартномага мувофиқ кўплаб ёшлар энгил саноат тизимида ўз иш фаолиятини бошлайдилар. Эътиборли томони шундаки, "Карьера куни" давомида тўрт ўз нафарга яқин ёш мутахассис ҳамда иш берувчи ташкилотлар ўртасида манфаатли шартномалар тузилди. Шунингдек, тадбир доирасида "Юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий концепцияси" мавзусида илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Ҳамид ДАВЛАТОВ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ бўш лавозимларга танлов эълон қилади

(2013 йил декабрь ойига)

Танловда юқори малакали ва ташаббускор номзодлар иштирокини таъминлаш мақсадида куйидаги умумий талаблар қўйилади:

- компьютер саводхонлигига эга бўлиши лозим (компьютердан фойдаланиш билимига эга бўлиши);
- чет тиллари, хусусан, инглиз тилини билиши;
- иқтисодий шароитларни математик усуллар ёрдамида таҳлил қила олиши керак.

«Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори етакчи илмий ходими.

Талаблар: фан доктори илмий даражаси, йирик илмий ишлари ёки кашфиётлари учун дипломлари ва ихтиролари бўлиши.

«Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори катта илмий ходими.

Талаблар: магистр, фан доктори ёки номзод илмий даражаси, илмий даражаси бўлмаган тақдирда, 10 йилдан кам бўлмаган илмий мураббийлик тажрибаси ҳамда илмий мақолалари, ихтиролари, патентлари мавжуд бўлиши.

«Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори кичик илмий ходими.

Талаблар: магистр, тегишли соҳа бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши.

«Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори бошлиғи.

Талаблар: фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлиши.

«Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори етакчи илмий ходими.

Талаблар: магистр, фан доктори ёки номзод илмий даражаси, илмий даражаси бўлмаган тақдирда, 10 йилдан кам бўлмаган илмий мураббийлик тажрибаси ҳамда илмий мақолалари, ихтиролари, патентлари мавжуд бўлиши.

«Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори кичик илмий ходими.

Талаблар: магистр, тегишли соҳа бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши.

«Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори бошлиғи.

Талаблар: магистр, фан доктори ёки номзод илмий даражаси, илмий даражаси бўлмаган тақдирда, 10 йилдан кам бўлмаган илмий мураббийлик тажрибаси ҳамда илмий мақолалари, ихтиролари, патентлари мавжуд бўлиши.

«Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори кичик илмий ходими.

Талаблар: магистр, тегишли соҳа бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши.

«Молия бозори ва банк-молия тизимининг услубий муаммолари» сектори бошлиғи.

Талаблар: фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлиши.

Аризаларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 49-уй.

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази, ходимлар бўлими.

Телефон: (8-371) 239-28-35

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 9, 16, 23, 30 январь ва 6 февраль кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Оммавий оферта савдоларига «AGROBANK» очик акциядорлик тижорат банкининг куйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100% банк улushi қўйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улushi сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улush сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улushнинг бошланғич баҳоси, сўм
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	
1.	«PARKENT CHORVASI» МЧЖ	Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Паркент» ҚФЙ, Қўйилма участкаси.	Жамият уставида қорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда кишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини, гўшт-сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашдан иборат, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиши белгиланган.	2 417 248 000

Оммавий оферта шартлари: Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчилиги тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар куйидаги ҳужжатларни такдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатининг тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхада ёниқ конвертларга солинган ва куйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
 - сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Такдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошлангичдан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган улush бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закалат пулини «Toshtkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотэка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улushi сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар юқорида кўрсатилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига такдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй. Телефонлар: (8-371) 150-85-23, 277-42-44. Тел./факс: (8-371) 150-53-95.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақҳамаси



ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5



ТИББИЁТ
ЯНГИЛИКЛАРИ
Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Болалар шифо маркази

Марказда 2013 йил инвестиция дастурига кўра, 1 миллиард 660 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 185 ўринга мўлжалланган 3 қаватли иккита даволаш корпуси капитал реконструкция қилинди. Маслаҳат поликлиникаси ва 30 ўринга мўлжалланган неврология бўлими янгидан қурилди.

1-«Қорақалпоққурилиш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан олиб борилган бунёдкорлик натижасида тиббиёт марказининг гематология, неврология, жарроҳлик, кардиология, ортопедия бўлими, УЗИ, ЭКГ, ички дорихона, физиотерапия хоналарида шифокорлар ва беморлар учун барча зарур қулайликлар яратилди.

Соҳабат УСМОНОВА.

Рақамли рентгенография

Сирдарё вилояти сил касаллиқларига қарши курашиш диспансери шифокорлари беморларга ташхис қўйишда рақамли рентгенографиядан фойдаланишни йўлга қўйдилар.

Мазкур ускуна Жанубий Кореядан келтирилди. Натижада диспансерда асосий нафас олиш органидан ташқарида учрайдиган сил касаллиқлари бўйича ҳам аниқ ташхис қўйиш имконияти яратилди.

— Рақамли рентгенографиянинг афзалликлари кўп, — дейди диспансер бош шифокори ўринбосари Абдурахим Саидулов. — Энг муҳими, у касаллик ҳақида тезда тўри хулоса чиқариб беради. Эндиликда рентген тасвирларини компьютерда сақлаш ва шу орқали маълум муддатларда даволаш таҳлилларини таққослаб бориш имкониятига ҳам эга бўлдик. Айтиш лозимки, бундан аввал мазкур шифохона 2,5 миллиард сўмлик маблағ эвазига тубдан таъмирланганди. Яқинда эса ўпқадан ташқарида учрайдиган сил касаллиқлари бўлими ташкил этилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор ташхис ускуналари

Жомбой тумани марказий шифохонаси минораси капитал таъмирдан чиқарилгач, энг сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминланди.

Натижада гинекология, туғруқхона, болалар, реанимация ва шошилинч тиббиёт ёрдам бўлимларида беморларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди. Айтиш кераки, мазкур мақсадлар учун 4 миллиард 750 миллион сўм йўналтирилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.